



**«Беш ракат ўқидингиз», дедилар.**

**У зот салом берганларидан кейин икки саҳв саждасини қилдилар».**

*Бошқа бир ривоятда келишича:*

**«Мен ҳам сизларга ўхшаган башарман. Сизлар эслагандек, эслайман ва сизлар унутгандек, унутаман», дедилар ва сўнгра икки саҳв саждасини қилдилар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан унутиш сабабли Пешинни беш ракат ўқиш содир бўлганлиги.
2. Саҳобаи киромларнинг юксак одоблари. «Намозда адашдингиз» демасдан, «Намозда зиёда бўлдими?» дейишлари.
3. Саждаи саҳвнинг саломдан кейин бўлиши.
4. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошқаларга ўхшаш башар эканликлари.
5. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг камтарликлари.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**